

Кумайл бин Зиёд дуосининг матни ва таржимаси

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Кумайл бин Зиёд мўминлар амири ва тақводорлар сардори ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг яқин ёр-асҳобларидан бири бўлган. Ҳазрати Али (алайҳис салом) у кишига шундай бир дуо ўргатганларки, мазкур дуо тавҳид ва яккахудолик борасида айтилган ҳамда мўмин кишининг Аллоҳ таолога боғланиб, Унга қай тарзда дуо-илтижо қилиши кераклигини ўргатган ўта теран мазмунли дуо бўлиб, ушбу дуони жума оқшомлари ва Шаббон ойининг ўн бешинчи куни ўқиш мустаҳабдир. Мазкур дуо фазилятли дуолардан ҳисобланади, чунки гуноҳларнинг кечирилишига ва ризқ-рўзнинг зиёда бўлишига сабаб бўлади. Ривоят қилинишича, ушбу дуони ҳазрати Хизр (алайҳис салом) ўқиган эканлар.

Дуонинг матни ва таржимаси қуйидагича:

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

اللَّهُمَّ إِنِّي سَأَلْتُكَ بِرَحْمَتِكَ الَّتِي وَسَعَتْ كُلَّ شَيْءٍ، وَبِقُوَّتِكَ الَّتِي قَهَرْتَ بِهَا كُلَّ شَيْءٍ، وَخَضَعْتَ لَهَا كُلَّ شَيْءٍ، وَدَلَّ لَهَا كُلَّ شَيْءٍ، وَبِجَبْرُوتِكَ الَّتِي غَلَبْتَ بِهَا كُلَّ شَيْءٍ، وَبِعِزَّتِكَ الَّتِي لَا يَقُومُ لَهَا شَيْءٌ، وَبِعَظَمَتِكَ الَّتِي مَلَأْتَ كُلَّ شَيْءٍ وَبِسُلْطَانِكَ الَّتِي عَلَا كُلَّ شَيْءٍ وَبِوَجْهِكَ الْبَاقِي بَعْدَ فَنَاءِ كُلِّ شَيْءٍ وَبِأَسْمَانِكَ الَّتِي مَلَأْتَ أَرْكَانَ كُلِّ شَيْءٍ وَبِعِلْمِكَ الَّتِي أَحَاطَ بِكُلِّ شَيْءٍ وَبِنُورِ وَجْهِكَ الَّتِي أَضَاءَ لَهَا كُلَّ شَيْءٍ، يَا نُورُ يَا قُدُّوسُ يَا أَوَّلَ الْأَوَّلِينَ وَيَا آخِرَ الْآخِرِينَ. اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي الذُّنُوبَ الَّتِي تَهْتِكُ الْعِصَمَ. اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي الذُّنُوبَ الَّتِي تُنْزِلُ النَّقَمَ. اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي الذُّنُوبَ الَّتِي تُغَيِّرُ النِّعَمَ. اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي الذُّنُوبَ الَّتِي تُخَسِّسُ الدُّعَاءَ. اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي الذُّنُوبَ الَّتِي تُنْزِلُ الْبَلَاءَ. اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي كُلَّ ذَنْبٍ أَذْنَبْتُهُ وَكُلَّ خَطِيئَةٍ أَخْطَأْتُهَا.

Аллоҳим, ҳар нарсадан кенг бўлмиш раҳматинг билан, ҳар нарсага ғолиб қаҳринг билан, жамики мавжудотларга ғолиб жабарутинг-буюклигинг билан, оламларни тўлдирган азаматинг билан, ҳар нарсадан кейин боқий қолувчи пок зотинг билан, дунё арконларини тўлдирган исмларинг билан, ҳар нарсани қамраган илминг билан, бутун жаҳонни мунаввар айлаган Нуринг билан Сендан сўрайман, эй нурларнинг [хақиқий] нури, эй Қуддус, эй биринчиларнинг биринчиси ва охиргиларнинг охири, Аллоҳим, исматни кетказувчи гуноҳларимни, азоб келтирувчи гуноҳларимни, неъматларни азобга айлантирувчи гуноҳларимни, дуолар ижобат бўлишидан тўсиб қўйувчи гуноҳларимни, балолар ёғилишига сабаб бўлувчи гуноҳларимни, ҳамма – ҳаммасини мағфират қилгин, қилган хатоларимни кечиргин!

اللَّهُمَّ إِنِّي أَتَقَرَّبُ إِلَيْكَ بِذِكْرِكَ وَأَسْتَشْفَعُ بِكَ إِلَى نَفْسِكَ، وَأَسْأَلُكَ بِجُودِكَ أَنْ تُدْنِيَنِي مِنْ قُرْبِكَ، وَأَنْ تُوزِعَنِي شُكْرَكَ وَأَنْ تُلْهِمَنِي ذِكْرَكَ. اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ سُؤَالَ خَاشِعٍ مُتَدَلِّلٍ خَاشِعٍ، أَنْ تُسَاعِدَنِي وَتُرَحِّمَنِي وَتَجْعَلَنِي بِقِسْمِكَ رَاضِيًا قَانِعًا، وَفِي جَمِيعِ الْأَحْوَالِ مُتَوَاضِعًا.

Аллоҳим, Сенга зикринг билан яқинлашурман, ўзингни шафоатчи қилиб олурман, караминг билан сўрайманки, мени Ўзингга яқинлардан қилгин ва менга шукр қилишни ўргатгин, менга зикрингни илҳом қилиб бергин, қалбда қўркув билан залил бўлиб Сендан сўрайманки, ишимни [савол-жавобни] осон қил, раҳм қил, мени ўз тақдирдан рози бўлгувчилардан қилгин, ҳамма шароитда ҳам тавозели бандаларингдан бўлай!

اللَّهُمَّ وَأَسْأَلُكَ سُؤَالَ مَنْ اشْتَدَّتْ فَاقَتُهُ، وَأَنْزَلَ بِكَ عِنْدَ الشَّدَائِدِ حَاجَتَهُ، وَعَظَّمَ فِيمَا عِنْدَكَ رَغْبَتَهُ. اللَّهُمَّ عَظِّمْ سُلْطَانَكَ عَلَا مَكَانِكَ، وَخَفِي مَكْرَكَ وَظَهَرَ أَمْرَكَ، غَلَبَ قَهْرَكَ وَجَرَتْ قُدْرَتُكَ، وَلَا يُمَكِّنُ الْفِرَارُ مِنْ حُكُومَتِكَ.

Эй Аллоҳим, Сендан бечора ва нотавон сифатида ва абадий неъматларингни орзу қилувчи банда бўлиб сўрайман, Сенинг салтанатинг буюк ва мартабанг олий мақомдир, тадбирларинг пинҳонийдир, амринг эса ошкор, қаҳринг ғолиб ва қудратинг амалдадир. Сенинг ҳукуматингдан қочишнинг ҳеч иложи йўқ.

اللَّهُمَّ لَا أَجِدُ لِذُنُوبِي غَافِرًا وَلَا لِقَبَائِحِي سَاتِرًا، وَلَا لِشَيْءٍ مِنْ عَمَلِي الْقَبِيحِ بِالْحَسَنِ مُبَدِّلًا غَيْرَكَ، لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ، سُبْحَانَكَ وَبِحَمْدِكَ ظَلَمْتُ نَفْسِي، وَتَجَرَّأْتُ بِجَهْلِي، وَ سَكَنْتُ إِلَى قَدِيمِ ذِكْرِكَ لِي، وَمَتَيْتُ عَلَى اللَّهِ مَوْلَايَ كَمَا مِنْ قَبِيحِ سَرَّتِهِ، وَكَمَا مِنْ فَادِحِ مِنَ الْبَلَاءِ أَقَلْتُهُ، وَكَمَا مِنْ عِتَارٍ وَقَيْتُهُ، وَكَمَا مِنْ مَكْرُوهٍ دَفَعْتُهُ، وَكَمَا مِنْ تَنَاءٍ جَمِيلٍ لَسْتُ أَهْلًا لَهُ نَشَرْتُهُ.

Эй Аллоҳим, Сендан бошқа гуноҳларни кечиргувчи, айбларни яширувчи, қабих амалларни хайрлисига алмаштириб қўювчини бирор кимни топа олмадим. Сендан ўзга илоҳ йўқ, эй Пок Аллоҳим жами ҳамду-сано Ўзингга хосдир. Мен ўзимга зулм қилдим [яъни гуноҳ қилдим], итоатсизлик қилишга журъат қилдим. Сен мени аввалдан эсга олганинг ва доимо менга бўлган фазл-марҳаматинг сабаб хотиржам ва тинч бўлдим. Эй Аллоҳим, Мавлойим, қанча қабоҳатларимни яширдинг, қанча балоларни мендан даф қилдинг, қанча кулфатларнинг олдини олдинг, қанча кароҳатларни мендан узоқлаштирдинг, мен нолойиқ бўлганим ҳолда тилларда менинг мақтовимни тарқатдинг.

اللَّهُمَّ عَظِّمْ بِلَائِي وَأَفْرَطْ بِي سُوءَ حَالِي وَقَصُرْتُ بِي أَعْمَالِي وَ قَعَدْتُ بِي أَغْلَالِي وَحَبَسَنِي عَن نَفْعِي بَعْدَ أَمْلِي، وَخَدَعْتَنِي الدُّنْيَا بِغُرُورِهَا، وَنَفْسِي بِجِنَائِيهَا، وَمَطَالِي يَا سَيِّدِي فَاسْأَلْكَ بِعِزَّتِكَ أَنْ لَا يَجُجِبَ عَنْكَ دُعَائِي سُوءَ عَمَلِي وَ فِعَالِي، وَلَا تَفْضُخْنِي بِجَفْيِي مَا أَطْلَعْتَ عَلَيْهِ مِنْ سِرِّي، وَلَا تُعَاجِلْنِي بِالْعُقُوبَةِ عَلَى مَا عَمِلْتُهُ فِي خَلَوَاتِي مِنْ سُوءِ فِعْلِي وَ إِسَائِي، وَدَوَامِ تَفْرِيطِي وَجَهَالَتِي، وَكَثْرَةِ شَهَوَاتِي وَغَفْلَتِي، وَكُنِ اللَّهُمَّ بِعِزَّتِكَ لِي فِي كُلِّ الْأَحْوَالِ رُؤُوفًا، وَعَلَيَّ فِي جَمِيعِ الْأُمُورِ عَطُوفًا، إِلَهِي وَرَبِّي مَنْ لِي غَيْرُكَ أَسْأَلُهُ كَشْفَ ضُرِّي وَالنَّظَرَ فِي أَمْرِي.

Эй Алоҳим, қалбимда буюк ғамим бор, холим нохушдир, амалларим нуқсонлидир! Булар мени ўз домига тортди, дунёнинг чексиз орзулари мени боғлаб қўйди, дунёнинг ғурури ва нафсимнинг жинойтлари мени эртанги кунимдан кесиб қўйди! Эй Саййиду-Сарварим, иззатингни ўртага қўйиб сўрайманки, ёмон амалларим туфайли дуоларимни ижобат қилишдан кесиб қўйма! Пинҳоний [фақат Ўзинг улардан хабардор бўлган] гуноҳларим учун мени расво қилиб обрўсизлантормагин! Нодонлигим деб, ғафлат ва шаҳват орқали хилватда қилган гуноҳларим туфайли азобламагин! Эй Аллоҳим иззат-юксаклигинг ҳаққи, ҳамма

ҳолатларда менга шафқатли ва марҳаматли бўлгин! Барча ишларда менга меҳрибон ва жонкуяр бўлгин! Эй Илоҳим ва Раббим, менинг Сендан бошқа кимим ҳам бор. Фақат Сендангина азоб ва қийинчиликларимни бартараф этишни ва менинг ишимга назар солишни сўрайман.

إِلٰهِي وَمَوْلَايَ أَجْرَيْتَ عَلَيَّ حُكْمًا اتَّبَعْتُ فِيهِ هَوَى نَفْسِي وَلَمْ أَحْتَسِبْ فِيهِ مِنْ تَزْيِينِ عُدْوِي، فَعَزَّنِي بِمَا أَهْوَى وَأَسْعَدَهُ عَلَيَّ ذَلِكَ الْقَضَاءُ فَتَجَاوَزْتُ بِمَا جَرَى عَلَيَّ مِنْ ذَلِكَ بَعْضَ حُدُودِكَ، وَخَالَفْتُ بَعْضَ أَوْامِرِكَ فَلَكَ الْحَمْدُ عَلَيَّ فِي جَمِيعِ ذَلِكَ وَلَا حُجَّةَ لِي فِيمَا جَرَى عَلَيَّ فِيهِ قَضَاؤُكَ، وَالزَّمَنِي حُكْمَكَ وَبَلَاؤُكَ، وَقَدْ أَتَيْتُكَ يَا إِلٰهِي بَعْدَ تَقْصِيرِي وَإِسْرَافِي عَلَيَّ نَفْسِي مُعْتَذِرًا نَادِمًا مُنْكَسِرًا مُسْتَقْبِلًا مُسْتَعْفِرًا مُنِيبًا مُقِرًّا مُدْعِنًا مُعْتَرِفًا، لَا أَجِدُ مَفْرَأًا بِمَا كَانَ مِنِّي وَلَا مَفْرَعًا اتَّوَجَّهُ إِلَيْهِ فِي أَمْرِي، غَيْرَ قَبُولِكَ عُذْرِي وَإِدْخَالِكَ إِيَّايَ فِي سَعَةِ رَحْمَتِكَ.

Эй Илоҳим ва Малойим, менинг устимдан ҳукм чиқардинг, мен унда ҳавоинафсимга эргашдим, душманим [яъни гуноҳ ва итоатсизликни чиройли кўрсатган ҳавоинафсим] қаршида ўзимни сақлай олмадим. Қазои-қадар [бу борада қилинган ҳукм] ва иймонимнинг заифлиги бунга кўмакчи бўлди. Баъзан мен Сен тайин қилган ҳадуд ва чегарадан четга чиқиб кетдим. Баъзи амрларингга қарши чиқдим. Ҳамма ҳолатда ҳам Сенга ҳамду-сано бўлсин! Қазоинг, ҳукминг ва синовларинг мени бу ишларга келтирган бўлса-да, итоатсизликларимни оқловчи бирон баҳонам йўқдир. Мана энди эса бутун қилган сустигим ва ўз зараримга итоатсизликларим билан қаршингда узр сўраб, пушаймон бўлиб, дили вайрон ҳолда айбларимни бўйнимга олиб, Сенинг марҳаматинг ва авфингни сўрайман. Сендан ўзга ишларимни ислоҳ қилувчи ва ёки паноҳ бергувчи йўқдир. Фақат Ўзинг менинг узримни қабул этгин ва мени кенг-бепоён раҳматингга дохил қилгин!

اللَّهُمَّ فَاقْبَلْ عُذْرِي، وَارْحَمْ شِدَّةَ ضُرِّي وَفُكِّنِي مِنْ شِدَّةِ وَثَاقِي. يَا رَبِّ ارْحَمْ ضَعْفَ بَدَنِي وَرِقَّةَ جِلْدِي وَدِقَّةَ عَظْمِي. يَا مَنْ بَدَأَ خَلْقِي وَذَكَرِي وَتَرَبَّيْتِي وَبَرَّيْتِي وَتَغَدَّيْتِي، هَبْنِي لِابْتِدَاءِ كَرَمِكَ وَسَالِفِ بَرَكَاتِكَ يَا إِلٰهِي وَسَيِّدِي وَرَبِّي، أَتْرَاكَ مُعَذِّبِي بِنَارِكَ بَعْدَ تَوْحِيدِكَ وَبَعْدَمَا انطَوَى عَلَيْهِ قَلْبِي مِنْ مَعْرِفَتِكَ، وَهَجَّ بِهِ لِسَانِي مِنْ ذِكْرِكَ، وَاعْتَفَدَهُ ضَمِيرِي مِنْ حُبِّكَ وَبَعْدَ صِدْقِ اعْتِرَافِي وَدُعَائِي خَاصِعًا لِرُبُوبِيَّتِكَ.

Эй Аллоҳим, узримни қабул қилгин! Оғир аҳволимга раҳм айла! Гуноҳларим кишанидан мени озод этгин! Эй Раббим, баданимнинг ожизлигига, теримнинг нозиклигига ва тоқати йўқ суякларимга раҳм айла! Эй мени яратишни, мени ёдга олишни ва мени тарбиялаб, яхшилик ато этишни ва таомлантиришни бошлаган Зот. Менга бўлган ўша аввалги саховат-караминг ҳамда менга ато этган олдинги яхшилигинг ила мени Ўз раҳматингга олгин! Эй Илоҳим, Сарварим, Раббим, мени ягоналигингни тан олганимдан кейин ва қалбим маърифатингдан мунаввар бўлганидан, тилим зикрингга банд бўлганидан ва вужудим Сенинг муҳаббатингдан тўлиб эътиқод қилганидан сўнг ҳамда Сенинг парвардигорлигингга таслим бўлган ҳолда содиқона эътироф этиб, Сенга дуо-илтижо қилганидан кейин мени дўзах ўтида азоблайсанми?

هَيْهَاتَ! أَنْتَ أَكْرَمُ مَنْ أَنْ تُصَيِّعَ مَنْ رَبَّيْتَهُ، أَوْ تُبْعِدَ مَنْ أَدْبَيْتَهُ، أَوْ تُشْرِدَ مَنْ آوَيْتَهُ أَوْ تُسَلِّمَ إِلَى الْبَلَاءِ مَنْ كَفَيْتَهُ وَرَحِمْتَهُ، وَآلَيْتَ شِعْرِي يَا سَيِّدِي وَإِلٰهِي وَمَوْلَايَ! أَتَسْلُطُ النَّارَ عَلَيَّ وَجُوهَ حَرَّتِ لِعَظْمَتِكَ سَاجِدَةً وَعَلَى أَلْسِنِ نَطَقَتْ بِتَوْحِيدِكَ صَادِقَةً وَبِشُكْرِكَ مَادِحَةً، وَعَلَى

قُلُوبٍ اعْتَرَفَتْ بِإِهْبَاتِكَ مُحَقَّقَةً، وَعَلَى ضَمَائِرِ حَوْتٍ مِنَ الْعِلْمِ بِكَ حَتَّى صَارَتْ خَاشِعَةً، وَعَلَى جَوَارِحِ سَعَتْ إِلَى أَوْطَانِ تَعَبُدِكَ طَائِعَةً
وَأَشَارَتْ بِاسْتِغْفَارِكَ مُذْعِنَةً!؟

Зинҳор! Сен ўзингга бандаларингни яқин қилиб қўйганингдан кейин яна узоқлаштирмассан. Ўзинг паноҳ берганларингни яна раҳматингдан қувмассан. Ўзинг раҳм қилганларингни балолар оғушига топшириб қўймассан. Эй менинг Сарварим, Илоҳим, Мавлойим, кошки билсам эди, Сенинг буюклигинг қаршисида сажда қилувчи юзларга, тиллари содиқона ягоналигингга гувоҳлик берганларга, шукрингни адо қилувчиларга, Сенинг илоҳлигингни эътироф этган қалбларга, Сени танигани учун қўрқувда бўлган виждонларга, аъзои баданлари Сенга ибодат ва бандалиқ қилиш учун ибодат масканларига ихтиёрий ҳолда шошилганларга ва комил ишонч билан Сендан мағфират сўраганларга қаҳру-ғазаб юзасидан дўзах оловида ёқасанми?

مَا هَكَذَا الظَّنُّ بِكَ وَلَا أُخْبِرْنَا بِفَضْلِكَ عَنْكَ يَا كَرِيمُ يَا رَبِّ وَأَنْتَ تَعْلَمُ ضَعْفِي عَنْ قَلِيلٍ مِنْ بَلَاءِ الدُّنْيَا وَعُقُوبَاتِهَا، وَمَا يَجْرِي فِيهَا مِنَ الْمَكَارِهِ عَلَى أَهْلِهَا، عَلَى أَنَّ ذَلِكَ بَلَاءٌ وَمَكْرُوهٌ قَلِيلٌ مَكْنُهُ، يَسِيرٌ بِقَاتِهِ قَصِيرٌ مُدَّتُهُ، فَكَيْفَ احْتِمَالِي لِبَلَاءِ الْآخِرَةِ وَجَلِيلِ وَقُوعِ الْمَكَارِهِ فِيهَا وَهُوَ بَلَاءٌ تَطُولُ مُدَّتُهُ وَيَدُومُ مَقَامُهُ وَلَا يُخَفَّفُ عَنْ أَهْلِهِ لِأَنَّهُ لَا يَكُونُ إِلَّا عَنْ غَضَبِكَ وَأَنْتِقَامِكَ وَسَخَطِكَ!؟ وَهَذَا مَا لَا تَقُومُ لَهُ السَّمَوَاتُ وَالْأَرْضُ، يَا سَيِّدِي فَكَيْفَ لِي وَأَنَا عَبْدُكَ الضَّعِيفُ الدَّلِيلُ الْحَقِيرُ الْمُسْكِينُ الْمُسْتَكِينُ!؟

Зинҳор! Сенга нисбатан бундай гумонлар тўғри эмас! Сенинг фазл-марҳаматинг ҳақида бизга бундай хабар берилмаган эй улуғвор Зот, эй Раббим. Менинг дунёдаги қийинчилик ва азобларга, дунё аҳлининг бошига тушган машаққатларга нисбатан заифлигимни Ўзинг билурсан. Ҳолбуки, бу мусибат ва қийинчиликларнинг муддати қисқа, ўткинчи ва озгинадир. Шундай экан, қандай қилиб охиратнинг азоб-уқубатларига бардош бераман! Ваҳоланки, бу азоблар узоқ муддатли ва давом этадиган ва дўзах аҳлидан енгиллатилмас. Зеро, дўзах азоби фақатгина Сенинг қаҳру-ғазабинг ва интиқомингдан юзага келади ва бу азобларга еру-осмонлар бардош бера олмас. Эй Сарварим, қандай қилиб мен заифу-нотавон, залилу-мискин, ночору-бечора банданг бундай азобларга бардош бера оламан?!

يَا إِلَهِي وَرَبِّي وَسَيِّدِي وَمَوْلَايَ لِأَيِّ الْأُمُورِ إِلَيْكَ أَشْكُو، وَلَمَّا مِنْهَا أَضِجُ وَأَبْكِي لِأَلِيمِ الْعَذَابِ وَشِدَّتِهِ، أَمْ لَطُولِ الْبَلَاءِ وَمُدَّتِهِ!؟ فَلَنْ صَبْرْتَنِي لِلْعُقُوبَاتِ مَعَ أَعْدَائِكَ، وَجَمَعْتَ بَيْنِي وَبَيْنَ أَهْلِ بِلَاتِكَ، وَفَرَّقْتَ بَيْنِي وَبَيْنَ أَحِبَّائِكَ وَأَوْلِيائِكَ فَهَبْنِي يَا إِلَهِي وَسَيِّدِي وَمَوْلَايَ وَرَبِّي، صَبْرْتُ عَلَى عَذَابِكَ فَكَيْفَ أَصْبِرُ عَلَى فِرَاقِكَ؟ وَهَبْنِي (يَا إِلَهِي) صَبْرْتُ عَلَى حَرِّ نَارِكَ فَكَيْفَ أَصْبِرُ عَنِ النَّظَرِ إِلَى كَرَامَتِكَ، أَمْ كَيْفَ أَسْكُنُ فِي النَّارِ وَرَجَائِي عَفْوِكَ؟

Эй Илоҳим, Раббим, Сарварим ва Мавлойим, ишларнинг қайси бирини айтиб, Сенга шикоят қилай? Уларнинг қайси бири учун даргоҳингга фарёд солиб йиғлай? Аламли азоб ва унинг ашаддийлиги учунми ёки бало-мусибатнинг давом этиши ва узоқ муддати учунми?! Агар гуноҳларимнинг жазоси учун мени душманларинг билан бир жойга тўпласанг, мен билан суюли ва дўстларинг бўлган бандаларинг орасига айрилиқ солсанг, Эй Илоҳим, Сарварим, Мавлойим ва Раббим, мабодо

дўзахдаги азобингга чидасам-да, қандай қилиб Сенинг айрилиғингга чидаб сабр қила оламан? Агарда эй Илоҳим, дўзахдаги оловингнинг ўта иссиқлигига чидасам-да, лекин қандай қилиб фазл-карамингдан кўз юмишга чидай оламан? Ёки қандайига умидим Сенинг авфинг бўлган ҳолда дўзах олови ичида қолиб кетаман?

فِعْرَتِكَ يَا سَيِّدِي وَمَوْلَايَ أَقْسِمُ صَادِقًا، لِنِ تَرَكْتَنِي نَاطِقًا لِأَضِحَّ إِلَيْكَ بَيْنَ أَهْلِهَا ضَجِيجَ الْأَمَلِينَ، وَلَا صُرْحَنَ إِلَيْكَ صُرَاخَ الْمَسْتَصْرِخِينَ،
وَلَأُبْكِيَنَّ عَلَيْكَ بُكَاءَ الْفَاقِدِينَ، وَلَا نَادِيَنَّكَ أَيَّنَ كُنْتَ يَا وَلِيَّ الْمُؤْمِنِينَ؟ يَا غَايَةَ أَمَالِ الْعَارِفِينَ، يَا غِيَاثَ الْمُسْتَغِيثِينَ، يَا حَبِيبَ قُلُوبِ
الصَّادِقِينَ، وَيَا إِلَهَ الْعَالَمِينَ، أَفْتَرَاكَ سُبْحَانَكَ يَا إِلَهِي وَبِحَمْدِكَ تَسْمَعُ فِيهَا صَوْتَ عَبْدٍ مُسْلِمٍ سَجَنَ فِيهَا بِمُخَالَفَتِهِ، وَذَاقَ طَعْمَ عَذَابِهَا
بِمَعْصِيَتِهِ، وَخَبَسَ بَيْنَ أَطْبَاقِهَا بِجُرْمِهِ وَجَرِيرَتِهِ، وَهُوَ يَصْخُحُ إِلَيْكَ ضَجِيجَ مُؤْمِلٍ لِرَحْمَتِكَ، وَيُنَادِيكَ بِلِسَانِ أَهْلِ تَوْحِيدِكَ، وَيَتَوَسَّلُ إِلَيْكَ
بِرُبُوبِيَّتِكَ،

Иззат ва юксаклигинг ҳақи эй Сарварим ва Мавлойим, содиқона қасамёд қилиб айтаманки, агар дўзах олови ичра тилимни сўзловчи ҳолда қолдирсанг, албатта, дўзах аҳли орасида авфингга умид қилувчилар фарёди сингари Ўзингга ёлвориб оху-нола қиламан! Ёрдам сўраб фарёд қилувчиларнинг фарёди каби Сени ёрдамга чақираман! Азиз кишисини йўқотганлар сингари Сенга кўз ёш тўкиб йиғлайман ва Сени «эй мўминларнинг валийси қайдасан?» - деб чақирурман. Эй орифларнинг сўнгги орзуси, эй ёрдамга чақирувчиларнинг додига етувчи, эй ростгўйлар қалбининг суюкли дўсти, эй оламларнинг ягона илоҳи! Сен барча айб-нуқсонлардан пок-муназаҳсан эй Илоҳим ва Сенга ҳамд-сано айтурман! Сенга қарши чиққани учун дўзахда қамалиб, гуноҳ-маъсиятлари сабабли жаҳаннам азобининг таъмини тотган ҳамда зулму-жинояти боис дўзах қатламларининг орасида қамоққа олинган мусулмон банданинг ноласини эшитурсан, ваҳоланки, у Сенинг раҳматингдан умидвор бўлган ҳолда Сенга оху-ноло қилур ва тавҳид аҳли бўлган художўйлар тилида Сенга нидо қилиб, парвардигорлигингни Сенинг даргоҳингга восита қилур!

يَا مَوْلَايَ فَكَيْفَ يَبْقَى فِي الْعَذَابِ وَهُوَ يَرْجُو مَا سَلَفَ مِنْ حِلْمِكَ؟ أَمْ كَيْفَ تُؤْلِمُهُ النَّارُ وَهُوَ يَأْمُلُ فَضْلَكَ وَرَحْمَتَكَ؟ أَمْ كَيْفَ يُحْرِقُهُ هَيْبَتُهَا وَأَنْتَ تَسْمَعُ صَوْتَهُ وَتَرَى مَكَانَهُ؟ أَمْ كَيْفَ يَشْتَمِلُ عَلَيْهِ زَفِيرُهَا وَأَنْتَ تَعْلَمُ ضَعْفَهُ؟ أَمْ كَيْفَ يَتَقَلَّبُ بَيْنَ أَطْبَاقِهَا وَأَنْتَ تَعْلَمُ صِدْقَهُ؟ أَمْ كَيْفَ تَرْجُرُهُ زَبَانِيَّتُهَا وَهُوَ يُنَادِيكَ يَا رَبُّهُ؟ أَمْ كَيْفَ يَرْجُو فَضْلَكَ فِي عِتْقِهِ مِنْهَا فَتَرْكُهُ فِيهَا؟ هَيْهَاتَ! مَا ذَلِكَ الظَّنُّ بِكَ وَلَا الْمَعْرُوفُ مِنْ فَضْلِكَ، وَلَا مُشَبِّهٌ لِمَا عَامَلْتَ بِهِ الْمُؤَخِّدِينَ مِنْ بَرِّكَ وَإِحْسَانِكَ!

Эй Мавлойим, қандай қилиб банданг дўзах азобида қолади, ҳолбуки, у Сенинг илгариги ҳилмингга-сабрингга умидвордир ёки қандай қилиб дўзах ўти уни ёндиради, ҳолбуки, у фазлу-раҳматингга интиқдир ёки қандай қилиб жаҳаннам шўъласи уни куйдиради, ваҳоланки, Сен унинг товушини эшитурсан ва жойини кўриб турурсан ёки қандай қилиб жаҳаннам оловининг шўълалари уни ўраб олур, ваҳоланки, Сен унинг нақадар заифлигини билурсан ёки қандай қилиб у дўзахнинг қатламлари орасида сарсон бўлур, ваҳоланки, Сен унинг ростлигини билурсан ёки қандай қилиб азоб фаришталари уни азоблайдилар, ҳолбуки, у «эй Раббим», деб Сенга илтижо ва нидо қилур ёки у қандай қилиб озод бўлишида Сенинг фазл-

марҳаматингдан умидвор бўла туриб дўзах ичра уни ўз ҳолига ташлаб қўйсанг? Зинҳор! Сенга нисбатан бундай гумонлар тўғри эмас ва Сенинг фазл-марҳаматинг ҳақида танилган ҳақиқатлар бундай эмасдир! Бу гумонлар Худопараст бандаларингга қилган яхшилигинг ва хайрихоҳлигингга тўғри келмайди!

فَبِالْقَيْنِ أَقْطَعُ، لَوْلَا مَا حَكَمْتَ بِهِ مِنْ تَعْدِيْبِ جَادِيْكَ، وَقَضَيْتَ بِهِ مِنْ إِخْلَادِ مُعَانِدِيْكَ، جَعَلْتَ النَّارَ كُلَّهَا بَرْدًا وَسَلَامًا وَمَا كَانَ لِأَحَدٍ فِيْهَا مَقْرًا وَلَا مُقَامًا، لَكِنَّكَ تَقَدَّسْتَ أَسْمَاؤُكَ أَقْسَمْتُ أَنْ تَمْلَأَهَا مِنَ الْكَافِرِيْنَ مِنَ الْجِنَّةِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِيْنَ، وَأَنْ تُخَلِّدَ فِيْهَا الْمُعَانِدِيْنَ، وَأَنْتَ جَلٌّ ثَنَاؤُكَ قُلْتَ مُبْتَدَأًا، وَتَطَوَّلْتَ بِالْإِنْعَامِ مُنْكَرِمًا: ﴿أَقْمَنْ كَانَ مُؤْمِنًا كَمَنْ كَانَ فَاسِقًا لَا يَسْتَوُونَ﴾.

Ишончим комилки, агар Сени инкор қилувчиларни азоблашга ҳукм қилмаганингда ва ўжар душманларингни дўзах оловида абадий қолишларига муқаррар қилиб қўймаганингда эди, шак-шубҳасиз, бутун дўзах оловини салқин ва саломатлик макони қилиб қўйган бўлардинг ва жаҳаннам ҳеч кимга қароргоҳ ва турар жой бўлмаган бўларди. Лекин Сен муқаддас исмларинг билан қасам ичиб: «*Батаҳқиқ жаҳаннамни инсу-жиндан иборат кофирлар билан тўлдирурман ва куфрда ўжар кишиларни у ерда абадий қолдирурман*», - дединг. Ва ҳамду-саноинг улуғ бўлган Сен Ўзинг бошлаб дединг ва улуғвор ҳолда неъматларни бандаларингга фаровон ато этиб шундай марҳамат қилдинг:

«Ахир, мўмин киши фосиқ киши каби бўлурми?! Улар тенг бўлмаслар».

[Сажда сураси, 18-оят]

إِلٰهِي وَسَيِّدِي فَاسْأَلُكَ بِالْقُدْرَةِ الَّتِي قَدَّرْتَهَا، وَبِالْقَضِيَّةِ الَّتِي حَتَمْتَهَا وَحَكَمْتَهَا، وَعَلَبْتَ مِنْ عَلَيْهِ أَجْرِيَّتَهَا، أَنْ تَهَبَ لِي فِي هَذِهِ اللَّيْلَةِ فِي هَذِهِ السَّاعَةِ، كُلَّ جُزْمٍ أَجْرَمْتُهُ وَكُلَّ ذَنْبٍ أَدْنَبْتُهُ، وَكُلَّ قَبِيْحٍ أَسْرَرْتُهُ، وَكُلَّ جَهْلِ عَمِلْتُهُ كَتَمْتُهُ أَوْ أَعْلَنْتُهُ أَحْقَبْتُهُ أَوْ أَظْهَرْتُهُ، وَكُلَّ سَيِّئَةٍ أَمَرْتُ بِإِثْبَاتِهَا الْكِرَامَ الْكَاتِبِيْنَ، الَّذِيْنَ وَكَلْتَهُمْ بِحِفْظِ مَا يَكُونُ مِنِّي، وَجَعَلْتَهُمْ شُهُودًا عَلَيَّ مَعَ جَوَارِحِي وَكُنْتَ أَنْتَ الرَّقِيْبَ عَلَيَّ مِنْ وَرَائِهِمْ، وَالشَّاهِدَ لِمَا خَفِيَ عَنْهُمْ وَبِرَحْمَتِكَ أَحْقَبْتَهُ، وَبِفَضْلِكَ سَرَرْتَهُ، وَأَنْ تُوفِّرَ حَظِّي مِنْ كُلِّ خَيْرٍ أَنْزَلْتَهُ، أَوْ إِحْسَانٍ فَضَّلْتَهُ، أَوْ بَرٍّ نَشَرْتَهُ، أَوْ رِزْقٍ بَسَطْتَهُ أَوْ ذَنْبٍ تَغْفِرُهُ، أَوْ حَظًّا تَسْتُرُهُ يَا رَبِّ يَا رَبِّ يَا رَبِّ.

Илоҳим ва Сарварим, Сендан Ўзинг белгилаган қудратинг ила ва бандаларингга зарур ва муқаррар қилиб қўйган ҳамда уни кимга жорий этган бўлсанг ғолиб келган фармонинг ила сўрайманки, шу кеча ва шу соатда қилган ҳар бир жиноятимни, қилган ҳар бир гуноҳ ва итоатсизлигимни, яширган ҳар бир қабоҳатли амалимни, ишга солган ҳар бир нодонлигимни, хоҳ ошкор этган бўлсам ёки беркитган бўлсам ҳамда қайд қилиш учун «*Киромал котибийн*», яъни улуғвор ёзувчиларга буюрганинг ҳар бир ёмон амални кечиргин! Сен Ўзинг мендан содир бўладиган нарсаларни ёзиб қолдириш учун «*Киромал котибийн*»ни тайинлагансан ва уларни менинг устимдан танам аъзолари билан бирга гувоҳлар қилиб қўйгансан ва Сен Ўзинг улардан юқорида мени кузатувчи ва улардан беркиниб қолган нарсаларга шоҳид бўлдинг. Гуноҳларимни меҳрибонлигинг ила яширдинг ва фазлу-караминг ила уларни беркитдинг. Бу кеча ва соатда Сендан нозил қилган ҳар бир хайр-баракотингдан, ато этган эҳсонингдан, тарқатган яхшилигингдан ва кенг ёйган

ризқингдан мени ҳам баҳраманд этишингни сўрайман! Гуноҳларимни мағфират қилгин ва хато ва камчиликларимни ўзинг кечиргин! Эй Раббим, эй Раббим, эй Раббим.

يَا إِلَهِي وَسَيِّدِي وَمَوْلَايَ وَمَالِكِ رَقِي يَا مَنْ بِيَدِهِ نَاصِيَتِي، يَا عَلِيمًا بَضْرِي وَمَسْكِنِي، يَا خَيْرًا بِفَقْرِي وَفَاقِي. يَا رَبِّ يَا رَبِّ يَا رَبِّ، أَسْأَلُكَ بِحَقِّكَ وَقُدْسِكَ وَأَعْظَمِ صِفَاتِكَ وَأَسْمَائِكَ، أَنْ تَجْعَلَ أَوْقَاتِي مِنَ اللَّيْلِ وَالنَّهَارِ بِذِكْرِكَ مَعْمُورَةً، وَبِخِدْمَتِكَ مَوْصُولَةً، وَأَعْمَالِي عِنْدَكَ مَقْبُولَةً، حَتَّى تَكُونَ أَعْمَالِي وَأَوْرَادِي كُلُّهَا وَرَدًا وَاحِدًا، وَحَالِي فِي خِدْمَتِكَ سَرْمَدًا.

Эй Худойим, Сарварим, Мавлойим ва вужудим Эгаси, эй менинг ихтиёрим Унинг кўлида бўлган Зот, эй менинг қийинчилигим ва нотавонлигимни билгувчи Зот, эй менинг йўқсизлигим ва муҳтожлигимдан хабардор бўлган Зот. Эй Раббим, эй Раббим, эй Раббим, Сендан муқаддас зотинг ҳақи ва буюк сифатларинг ва исмларингни ўртага қўйиб сўрайман, кечаю-кундуздан иборат ҳамма вақтларимни Сенинг зикринг-ла обод қилгин! Узлуксиз хизматингда бардавом айла! Амалларимни Ўз ҳузурингда мақбул айла! Токи, амалларим ва зикрларимнинг ҳаммаси бир йўналиш ва мақсадга қаратилган бўлсин ва менинг аҳволим Сенинг хизматингда ҳар доим шай ва бардавом бўлсин!

يَا سَيِّدِي يَا مَنْ عَلَيْهِ مَعْوَلِي، يَا مَنْ إِلَيْهِ شَكْوَتُ أَحْوَالِي، يَا رَبِّ يَا رَبِّ يَا رَبِّ قَوِّ عَلَى خِدْمَتِكَ جَوَارِحِي، وَاشْدُدْ عَلَى الْعَزِيمَةِ جَوَاحِي وَهَبْ لِي الْجِدَّ فِي حَشِيَّتِكَ، وَالِدَوَامَ فِي الْإِتِّصَالِ بِخِدْمَتِكَ حَتَّى أَسْرَحَ إِلَيْكَ فِي مِيَادِينِ السَّابِقِينَ، وَأُسْرِعَ إِلَيْكَ فِي الْبَارِزِينَ وَأَشْتَاقَ إِلَى قُرْبِكَ فِي الْمُسْتَاتِقِينَ، وَأَذْنُو مِنْكَ ذُنُو الْمُخْلِصِينَ، وَأَخَافُكَ مَخَافَةَ الْمُؤَقِنِينَ، وَأَجْتَمِعُ فِي جِوَارِكَ مَعَ الْمُؤْمِنِينَ.

Эй Сарварим, эй менинг таянадиган суянчиғим, эй аҳволимни ёлғиз унга арз қилган Зот, эй Раббим, эй Раббим, эй Раббим, аъзойи баданимни хизматинг йўлида қувватлантиргин ва азму-қарор қилишда қалбимни мустаҳкам қилгин! Сендан кўрқишим ва доим хизматингда бўлишим учун менга жиддият ато этгин! Токи тоатинг йўлида ўзиб кетувчилар майдонларида Сенинг томон ошиқай, шошаётганлар қаторида Сенинг ҳузурингга шошилай, иштиёқмандлар қаторида даргоҳингга яқинлашишга иштиёқли бўлай, мухлис бандаларинг сингари Сенга яқинлашай, қалби ишончга тўлиб тошган бандаларинг каби Сендан кўрқадиган бўлай ва мўминлар билан бирга ёнингда тўплай.

اللَّهُمَّ وَمَنْ أَرَادَنِي بِسُوءٍ فَأَرِدْهُ، وَمَنْ كَادَنِي فَكِدْهُ، وَاجْعَلْنِي مِنْ أَحْسَنِ عِبِيدِكَ نَصِيبًا عِنْدَكَ، وَأَفْرَجِهِمْ مَنْرَلَةً مِنْكَ، وَأَخْصِهِمْ زُلْفَةً لَدَيْكَ، فَإِنَّهُ لَا يُنَالُ ذَلِكَ إِلَّا بِفَضْلِكَ، وَجِدْ لِي بِجُودِكَ، وَاعْطِفْ عَلَيَّ بِمَجْدِكَ وَاحْفَظْنِي بِرَحْمَتِكَ، وَاجْعَلْ لِسَانِي بِذِكْرِكَ هَبْجًا، وَقَلْبِي بِحُبِّكَ مُتِيماً، وَمَنْ عَلَيَّ بِحُسْنِ إِجَابَتِكَ، وَأَقْلَبْنِي عَثْرَتِي، وَاعْفُ رِزْلِي، فَإِنَّكَ فَصِيَّتَ عَلَى عِبَادِكَ بِعِبَادَتِكَ، وَأَمْرَهُمْ بِدُعَائِكَ، وَضَمِنْتَ لَهُمُ الْإِجَابَةَ

Эй Аллоҳим, кимки менга ёмонлик тиласа, ёмонлигини ўзига қайтар! Ким менга нисбатан макр-ҳийла ишлатса, Сен ҳам унга макр-ҳийла қилгин! Мени Ўз ҳузурингда энг яхши насибага эга бўлган, ўрин ва мартаба жиҳатидан Сенга энг яқин бўлган ва Сенинг даргоҳингда энг махсус яқинликка эга бўлган бандаларингдан айла! Зероки, буларнинг барчасига фақат Сенинг фазл-марҳаматинг билангина эришилади. Аллоҳим, Ўз бахшандалигинг билан менга

бахшида этгин! Улуғворлигинг ила менга назар солгин ва раҳматинг-ла мени асрагин! Тилимни зикрингни айтувчи қилгин ва қалбимни муҳаббатинг ила бетоб шайдо қилиб қўйгин! Чиройли жавобинг билан менга неъмат бергин ва хатокамчиликларимдан кўз юмиб, гуноҳларимни кечиргин! Зероки, Сен бандаларингга ибодатингни қилишни буюрдинг ва Ўзинггагина дуо-илтижо қилишни уларга амр қилиб, уларнинг дуоларини ижобат этишни кафолатладинг!

فَالْبِكَ يَا رَبِّ نَصَبْتُ وَجْهِي، وَالْبِكَ يَا رَبِّ مَدَدْتُ يَدِي، فَبِعِزَّتِكَ اسْتَجِبْ لِي دُعَائِي، وَبَلِّغْنِي مُنَايَ، وَلَا تَقْطَعْ مِنْ فَضْلِكَ رَجَائِي، وَأَكْفِنِي
شَرَّ الْجِنَّ وَالْإِنْسِ مِنْ أَعْدَائِي.

Шундай экан, эй Раббим, фақат Сенгагина юзландим ва фақат Сенинг томонинггагина эй Раббим қўлимни чўздим. Демак, Сенинг иззат-юксаклигингга қасамки, дуоларимни ижобат қилгин! Мени орзуларимга етказгин ва умидимни Ўз фазл-марҳаматингдан узмагин ва душманларим бўлмиш инсон ва жинларнинг ёмонлигига Ўзинг кифоя қилгин!

يَا سَرِيعَ الرِّضَا إِغْفِرْ لِمَنْ لَا يَمْلِكُ إِلَّا الدُّعَاءَ، فَإِنَّكَ فَعَالٌ لِمَا تَشَاءُ. يَا مَنْ اسْمُهُ دَوَاءٌ، وَذِكْرُهُ شِفَاءٌ، وَطَاعَتُهُ غِنَى، إِزْحَمْ مِنْ رَأْسِ مَالِهِ
الرَّجَاءَ وَسَلَاخَهُ الْبُكَاءَ.

Эй ўз бандасидан тез рози бўлувчи Зот, дуодан бошқа ҳеч нарсага эга бўлмаган бандангни мағфират қил! Зеро, Сен истаган нарсангни бажаргувчисан. Эй исми даво бўлган, зикри [Уни ёдга олиш] шифо бўлган ва Унга итоат этмоқлик бойлик бўлган Зот! Бор-йўқ сармояси умид ва қурол-яроғи эса кўз ёш бўлганларга раҳм қилгин!

يَا سَابِعَ النَّعَمِ، يَا دَافِعَ النَّقَمِ، يَا نُورَ الْمُسْتَوْحِشِينَ فِي الظُّلَمِ، يَا عَالِمًا لَا يُعَلَّمُ، صَلَّى عَلَى مُحَمَّدٍ وَآلِ مُحَمَّدٍ، وَأَفْعَلَ بِي مَا أَنْتَ أَهْلُهُ،
وَصَلَّى اللَّهُ عَلَى رَسُولِهِ وَالْأَيْمَةِ الْمَيَامِينَ مِنْ آلِهِ وَسَلَّمَ تَسْلِيمًا كَثِيرًا.

Эй неъматларни тўла-тўкис қилиб берувчи Зот, эй балоларни даф этувчи Зот, эй қоронғуликлардан кўрқувчиларнинг қалбидаги Нур, эй таълим кўрмаган Олим, ҳазрати Муҳаммад ва Муҳаммаднинг Аҳли-Байтига салавот йўллагин ва Сен Ўзингга ярашгани каби мен билан муомала қилгин! Аллоҳнинг Расулига ва ул зотнинг Аҳли-Байтидан бўлган покиза имомларга Аллоҳнинг дуруду-салавоти ва кўплаб саломлари бўлсин!

NAJOTKEMASI.NET – Халқаро Исломий Ахборот ва Тадқиқот Марказида тайёрланди.